

“ТАСДИҚЛАНГАН”
“Ориент Финанс” ХАТБ
Акциядорлари умумий
йиғилишининг
2017 йил «31» май даги
1-сонли қарори

Акциядорлар умумий йиғилиши
Раиси
С.Д.Полатов



«ОРИЕНТ ФИНАНС» ХУСУСИЙ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИНИНГ
ТАФТИШ КОМИССИЯСИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ

Келишилган:

Бошқарув Раиси
Б.Б.Парпиев

Бошқарув Раиси
биринчи ўринбосари
Т.Ф. Джунайдуллаев

Бошқарув Раиси ўринбосари
Ш.Ш.Тўйбоев

Бош бухгалтер
Д.Т. Рахимов

Ҳазначилик ва молиявий таҳлил
департаменти директори
Ғ.Н.Санаев

Кредитлаш департаменти
директори
З.З.Рузиев

Юридик хизмат департаменти
директори
Б.М. Усманов

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1 Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида"ги, "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги, "Хусусий банк ва молия институтлари ҳамда улар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунларига, бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларига ва "Ориент Финанс" ХАТБ (кейинги ўринларда "Банк") Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.2 Ушбу Низом Банкнинг Тафтиш комиссияси мақомини, вазифа ва ваколатларини, текшириш ўтказиш тартибини белгилайди.

1.3 Тафтиш комиссияси Банкнинг доимий фаолият юритувчи ички назорат органи ҳисобланиб, Акциядорлар умумий йиғилишига ҳисобдордир. Тафтиш комиссияси Банкнинг молия-ҳўжалик фаолияти, унинг филиаллари, бошқарув органлари мансабдор шахслари, Бош офис таркибий бўлинмалари устидан доимий назоратни амалга оширади. Тафтиш комиссияси Банк Бошқаруви, Банкнинг таркибий бўлинмаларидан мустақилдир.

1.4 Тафтиш комиссияси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатлари, Банк Устави, мазкур Низом, Акциядорлар умумий йиғилиши қарорлари, Банкнинг бошқа ички меъёрий ҳужжатларига асосан амалга оширади.

2. ТАФТИШ КОМИССИЯСИНING ТАРКИБИ, УНИ САЙЛАШ ВА ВАКОЛАТЛАРИНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ТУГАТИШ

2.1 Банкнинг Тафтиш комиссияси Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши томонидан акциядор (акциядорлар) киритган номзодлар орасидан 3 (уч) кишидан иборат таркибда 1 (бир) йил муддатга (Акциядорларнинг кейинги навбатдаги йиллик умумий йиғилишига қадар) сайланади.

Тафтиш комиссиясига номзодларни Банкнинг овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида 1 (бир) фоизига эгаллик қилувчи акциядор (акциядорлар) Банк Уставида белгиланган тартибда ва муддатда киритишлари мумкин.

Тафтиш комиссияси аъзолари Акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этган овоз берувчи оддий акцияларга эгаллик қилувчи акциядорларнинг оддий кўпчилик овози билан сайланади. Бунда энг кўп овоз олган номзод Тафтиш комиссиясига сайланган ҳисобланади.

2.2 Банк Тафтиш комиссияси аъзоларига қуйидаги малака талаблари қўйилади:

молия, иқтисод, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи, аудит йўналиш бўйича олий маълумотга эга бўлиш;

бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи, аудит, молия соҳасида етарли меҳнат тажрибасига эга бўлиш;

Банк Тафтиш комиссияси аъзоси бир вақтнинг ўзида Банк Кенгашининг ёки Бошқарувининг аъзоси бўлиши, шунингдек Банкда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаши мумкин эмас;

айни бир шахс Тафтиш комиссияси аъзолигига кетма-кет 3 (уч) мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

2.3 Тафтиш комиссияси ваколат муддати кейинги йилда ўтказиладиган Акциядорларнинг йиллик ҳисобот умумий йиғилишида Тафтиш комиссиясининг янги таркиби сайлангунга қадар амал қилади.

2.4 Акциядорларнинг умумий йиғилиши Тафтиш комиссиясининг ваколатини муддатидан олдин тугатиши мумкин. Тафтиш комиссияси аъзолари ваколатларини муддатидан олдин тугатиш ва унинг янги таркибини сайлаш масаласи Банк акцияларининг жами бўлиб камида 5 (беш) фоизига эгаллик

қилувчи акциядор (акциядорларнинг) талаби билан Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида кўриб чиқилиши мумкин.

2.5 Тафтиш комиссияси аъзоси ёки унинг барча аъзоларининг ваколатлари Акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан қуйидаги ҳолатларга асосан муддатидан аввал тугатилиши мумкин:

Тафтиш комиссияси аъзоси томонидан Банкка бевосита моддий зарар етказилганда;

Тафтиш комиссияси аъзоси томонидан қасддан жиноят содир этилган ва суднинг тегишли ҳукми кучга кирганда;

текширув предметига оид ҳужжат ва материаллар лозим даражада текширмаганлиги оқибатида Тафтиш комиссиясининг нотўғри хулоса чиқарилишига сабаб бўлганда;

текшириш жараёнида аниқланган Банкка зарар етгазувчи жиддий қоидабузарликлар, мансаб ва ваколатларни суиистеъмол қилиш ҳолатлари яширилганда;

ўтказилган текшириш натижалари ва Банк фолиятига доир масалалар бўйича нотўғри маълумотлар тақдим этиш орқали Банкнинг акциядорлари, раҳбарияти ва ходимлари атайлаб чалғитилганда;

банк сири, тижорат сири ва Банк фаолиятига доир махфий маълумотлар ошкор этилганда.

2.6 Тафтиш комиссия аъзоси исталган пайтда Тафтиш комиссияси ва Банк Кенгабини 1 (бир) ой олдин ёзма равишда огоҳлантирган ҳолда комиссия таркибидан чиқишга ҳақлидир.

3. ТАФТИШ КОМИССИЯСИ ВАЗИФАЛАРИ, ВАКОЛАТЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1 Тафтиш комиссиясининг асосий вазифаларига қуйидагилар киради:

Банкнинг молия-хўжалик фаолиятини, хусусан Банкнинг фаолияти ва мулкӣ ҳолати тўғрисидаги молия ва бухгалтерлик ҳисоботларни ҳаққоний равишда шаклантирилишини назорат қилиш;

бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг юритилиши, молия ҳисоботларни ва маълумотларни Банк бошқарув органларига ва акциядорларга тақдим этилиши тартибига риоя қилинишининг назоратини амалга ошириш;

Банкнинг молиявий ҳолати тўғрисидаги маълумотларни мустақил баҳолаш;

Банк тизимида самарали ички назорат тизими механизмини амалга оширишда иштирок этиш;

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига, Банк Уставига ва бошқа ички меъёрий ҳужжатлар, шунингдек акциядорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига риоя этилишини назорат қилиш;

3.2 Тафтиш комиссияси ўзига юклатилган вазифаларни бажариш учун қуйидаги ваколатларга эга бўлади:

Банкнинг молия-хўжалик фаолиятини белгиланган тартибда текшириш;

Банкнинг мансабдор шахслари, таркибий бўлинмалари раҳбарлари ва моддий жавобгар шахслардан текшириш учун зарур бўлган Банкнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги барча ҳужжатлар (корпоратив, ҳуқуқ ўрнатувчи ва бошқарув ҳужжатлари, молия ва бухгалтерия ҳисоботлари, бошқарув органлари мажлислари баённомалари, ташқи аудит хулосалари ва бошқа ҳужжатлар)ни талаб қилиб олиш. Бунда Тафтиш комиссиясининг ёзма талабига кўра Банкнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатлар Тафтиш комиссиясига 3 (уч) иш куни ичида тақдим этилиши лозим.

тафтиш ўтказиш учун зарур бўлган Банкнинг бинолари ва хизмат хоналарига тўсиқсиз кириш;

текширув жараёнида юзага келган масалалар бўйича Банкнинг бошқарув органлари, таркибий бўлинмалари раҳбарларидан, моддий жавобгар шахслардан ва ходимлардан оғзаки ва ёзма тушунтиришлар ва маълумотлар олиш;

Банкнинг бошқарув органлари, таркибий бўлинмалари раҳбарлари ва моддий жавобгар шахсларига текширув натижасида аниқланган камчиликлар бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан кўрсатмалар бериш;

Банк фаолияти самарадорлигини янада ошириш, ички назорат тизимини, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи юритилишини такомиллаштириш, банк тавакалчилигини самарали бошқариш бўйича таклифлар бериб бориш;

Банк ходимлари, шу жумладан мансабдор шахслари томонидан амалдаги қонунчилик ҳужжатлари, Банк Устави, бошқа ички меъёрий ҳужжатлари, лавозим йўриқномалари бузилганлиги аниқланган тақдирда, Банкнинг бошқарув органлари мансабдор шахсларига ушбу ходимларни жавобгарликка тортиш масаласини киритиш;

ахборотларнинг акциядор, инвестор, оммавий ахборот воситалари ҳамда бошқа манфаатдор томонларга ўрнатилган тартибда ошкор қилинишини, шунингдек самарали ички назорат механизмлари амалга оширилишини назорат қилиш;

амалдаги қонунчилик ҳужжатлари, Банк Устави, мазкур Низом ва бошқа ички меъёрий ҳужжатларга биноан Акциядорлар умумий йиғилишини, Банк Кенгаши мажлисларини чақиришни талаб қилиш ва ушбу мажлисларда иштирок этиш учун ўз вакилларини юбориш.

Банкнинг Тафтиш комиссияси ўзига юклатилган вазифаларни бажариш учун бошқа ваколатларга ҳам эга бўлади.

3.3 Банкнинг Тафтиш комиссияси мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

Банкнинг ҳисобот йилидаги фаолияти яқунлари бўйича унинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш), шунингдек режадан ташқари текширишлар ўтказиш;

амалга оширилган текширув натижалари бўйича ўз вақтида Банк Акциядорларнинг умумий йиғилиши, Кенгашига ёзма хулоса шаклида тақдим этиш;

тафтиш жараёнида маълум бўлган банк ва тижорат сирини ташкил этувчи маълумотларни ҳамда маҳфий ҳисобланган маълумотларни ошкор қилмаслик;

текшириш натижалари бўйича амалдаги қонунчилик ҳужжатлари ва мазкур Низом талабларига мувофиқ хулоса тайёрлаш;

Банкнинг йиллик ҳисоботи, йиллик бухгалтерия ҳисоботи, фойдани тақсимлаш масалари бўйича хулосалар бериш

текширув материалларида аниқланган камчилик, қоидабузарлик ва суиистеъмолликларнинг сабаблари, айбдор шахслар, етказилган моддий зарар миқдорини объектив тарзда акс эттириш;

Банкнинг мансабдор шахслари ва таркибий бўлинма раҳбарлари томонидан берилган ваколатларни суиистеъмол қилиш, растрата, талон-тарож қилиш, камомадга йўл қўйиш ва ноқонуний тарзда пул маблағлари ва моддий бойликларни сарфлаш ҳолатлари аниқланганда, бу ҳолатлар ҳақида Банк Кенгаши ва Бошқаруви Раисини хабардор қилиш;

тафтиш жараёнида Банкнинг иқтисодий манфаатларига жиддий таҳдид солувчи қоидабузарликлар аниқланганда, шунингдек Банкнинг иқтисодий

ночорлиги (банкротлиги) белгилари мавжудлиги ёки уларнинг пайдо бўлиш хавфи вужудга келганда Банк Кенгаши ва/ёки Акциядорлар умумий йиғилишини чақиришни талаб қилиш;

Банк овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида 5 (беш) фоизига эгалик қилувчи акциядорлар талаби билан ўтказилган текшириш натижалари ҳақида бундай акциядорларга маълумот бериш.

4. ТАФТИШ КОМИССИЯСИ ИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

4.1 Тафтиш комиссияси аъзолари томонидан оддий кўпчилик овоз билан улар орасидан Тафтиш комиссиясининг Раиси сайланади. Тафтиш комиссияси мажлиси барча аъзолар иштирок этган тақдирдагина ваколатли бўлади. Тафтиш комиссияси аъзолари ўз ваколатларини ва овозларини бошқа шахсларга, шу жумладан ишончнома орқали берилиши тақиқланади.

4.2 Тафтиш комиссиясининг қарорлари унинг мажлисларида қабул қилинади. Тафтиш комиссиясининг қарорлари унинг аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади, бир овоздан қабул қилиниши лозим бўлган қарорлар бундан мустасно.

4.3 Тафтиш комиссиясининг Раиси унинг ишени ташкил қилади, жумладан Тафтиш комиссияси мажлисининг кун тартибини белгилайди, мажлисларини чақиради, уларда раислик қилади, мажлисларда баённома юритилиши ва уларнинг сақланишини ташкил қилади. Акциядорлар умумий йиғилишида Банкнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан ҳисобот беради.

4.4 Тафтиш комиссияси мажлисларида баённома юритилади. Мажлис баённомасида мажлис ўтказилган сана, жой ва вақт, Тафтиш комиссияси миқдор таркиби, мажлисда иштирок этган комиссия аъзолари, кун тартиби ва овозга қўйилган масалалар, кун тартибидаги масалалар бўйича овоз бериш натижалари, қабул қилинган қарор ва Тафтиш комиссияси аъзосининг алоҳида фикри мавжудлиги ҳақидаги маълумот (алоҳида фикр мавжуд бўлганда) акс эттирилади.

Тафтиш комиссияси мажлис баённомаси Раис ва аъзолари томонидан имзоланади.

4.5 Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига асосан Тафтиш комиссияси ўз вазифаларини амалга оширган даврда унинг аъзоларига ҳақ ва уларнинг ўз вазифаларини бажариш билан боғлиқ бўлган харажатлари Банк ҳисобидан тўланиши мумкин. Комиссия аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсация тўловлари миқдори Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланади.

4.6 Банк Бошқаруви Тафтиш комиссияси фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган шарт-шароитни яратиб беради, жумладан Тафтиш комиссияси аъзоларини ишлаш учун хона, техника жиҳозлари, ҳужжатлар билан таъминлайди.

4.7 Тафтиш комиссияси аъзолари ўз фаолиятларини ҳалоллик ва холислик тамойилларига риоя қилган ҳолда юритишлари лозим. Комиссия аъзолари ўз вазифа ва мажбуриятларини бажармаганликлари ва/ёки лозим даражада бажармаганликлари, банк ва тижорат сирини ташкил этувчи маълумотларни ҳамда Банкнинг махфий ҳисобланган маълумотларини ошкор қилганликлари ва бошқа ҳолатлар учун амалдаги қонунчилик ҳужжатлари, Банкнинг ички меъёрий ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилишлари мумкин.

5. БАНКНИНГ МОЛИЯ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИ ТЕКШИРИШ ТАРТИБИ. ТАФТИШ КОМИССИЯСИНИНГ ХУЛОСАСИ

5.1 Банкнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш) Банкнинг ҳисобот йилидаги фаолияти яқунлари бўйича ўтказилади (режали текшириш).

5.2. Режадан ташқари текшириш бутун йил давомида Тафтиш комиссияси, Акциядорлар умумий йиғилиши, Банк Кенгашининг ташаббусига кўра ёки Банк овоз берувчи акцияларининг камида 5 (беш) фоизига эгаллик қилувчи акциядор (акциядорлар)нинг талабига кўра Банк Кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият яқунлари бўйича амалга оширилади.

5.3 Акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки Банк Кенгаши томонидан режадан ташқари текшириш ўтказиш ташаббуси билан чиқилганда, бу ҳақда белгиланган тартибда қарор (баённома) қабул қилинади. Қарорда текшириш қамраб олинadиган давр, фаолият йўналиши ва масалалар, шунингдек текшириш ўтказилиши асослари кўрсатилган бўлиши керак. Қарор (баённома) нусхаси ёки ундан кўчирма Тафтиш комиссияси Раисига тақдим этилади.

Режадан ташқари текшириш ўтказиш талабини акциядор (акциядор)лар билдирганда, Тафтиш комиссиясига акциядорнинг Ф.И.Ш. ёки номи, уларга тегишли акциялар тўғрисида маълумотлар (сони ва тури), текшириш ўтказиш зарурлигини асословчи ҳолатлар ҳамда текшириш қамраб олинadиган давр, фаолият йўналиши, масалалар кўрсатилган ёзма талабнома юборади. Талабнома акциядор (акциядорлар) ёки унинг (уларнинг) вакили томонидан имзоланади ва бунда вакилнинг ишончномаси илова қилиниши лозим. Юридик шахс – акциядорнинг режадан ташқари текшириш ўтказиш ҳақидаги ёзма талабномаси унинг муҳри билан тасдиқланиши керак. Текшириш ўтказиш ҳақидаги талабнома Тафтиш комиссия раиси номига Банк орқали топширилади.

Режадан ташқари текшириш ўтказиш бўйича Тафтиш комиссиясининг ташаббуси унинг аъзолари томонидан билдирилади. Бунда асослантирилган текшириш ўтказиш таклифи Тафтиш комиссиясининг навбатдан ташқари мажлисига кўриб чиқиш учун киритилади.

5.4 Тафтиш комиссияси раиси режадан ташқари текшириш ўтказиш ҳақидаги қарор (талабнома, таклиф)ни олгандан сўнг, 5 (беш) иш кунида Тафтиш комиссиясининг навбатдан ташқари мажлисини чақиради ва Тафтиш комиссияси 10 (ўн) иш куни ичида Банкнинг молия-хўжалик фаолиятини режадан ташқари текшириш ўтказиш ёки асослантирилган тарзда текшириш ўтказилишини рад қилиш тўғрисида қарор қабул қилади. Режадан ташқари текшириш ўтказиш тўғрисидаги қарорда текшириш қамраб олинadиган давр, фаолият йўналиши, масалалар кўрсатилиши лозим.

5.5 Тафтиш комиссияси режадан ташқари текшириш ўтказиш масаласини кўриб чиқиб, тегишли қарор қабул қилгунига қадар текшириш ўтказиш талабномасини киритган шахслар комиссияни ёзма равишда огоҳлантирган ҳолда ўз талабномасини чақиртириб олишлари мумкин.

5.6 Қуйидаги ҳолларда режадан ташқари текшириш ўтказилиши рад қилиниши мумкин:

талабнома тақдим этган шахс Банк акциядори бўлмаса (акциядорлар реестрида рўйхатга олинмаган бўлса) ёки акциядорнинг (акциядорларнинг) вакили тегишли ваколатга эга бўлмаса;

акциядор (акциядорлар) талабнома тақдим этган кунда зарур миқдордаги Банкнинг овоз берувчи акцияларининг эгаси бўлмаса;

режадан ташқари текшириш ўтказилиши зарурлиги асослантилмаган бўлса;

режадан ташқари текшириш ўтказилишини талаб қилишга асос бўлган ҳолатлар бўйича текшириш ўтказилган ва Тафтиш комиссия ушбу ҳолатлар бўйича ўз хулосасини тақдим этган бўлса;

режадан ташқари текшириш ўтказиш ҳақидаги талабномада маълумотлар тўлиқ кўрсатилган бўлмаса.

5.7 Режадан ташқари текшириш ўтказилиши рад қилиниши ҳақида қарор қабул қилинганидан сўнг, 5 (беш) иш куни ичида Тафтиш комиссияси томонидан ёзма равишда хабар берилади.

Тафтиш комиссия томонидан режадан ташқари текшириш ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинганда, Тафтиш комиссия раиси Банк Кенгашини олдиндан хабардор қилган ҳолда текшириш ўтказишни ташкиллаштиради ва уни ўтказишни бошлайди.

5.8 Тафтиш комиссияси Банкнинг молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш жараёнида қуйидагиларни текширади:

Банк фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатлари, Банк Устави ва бошқа ички меъёрий ҳужжатларга амал қилинишини;

Банкнинг ҳисоботлари ва бошқа молиявий ҳужжатларидаги маълумотларнинг ҳаққонийлигини;

Банк томонидан бухгалтерия ҳисобининг тўғри юритилиши ва молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартибига риоя қилинишини;

Банк Кенгаши ва Бошқаруви томонидан қабул қилинган қарорларнинг Банк Устави ва Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорларига мувофиқлигини;

Банк Акциядорларининг умумий йиғилиши, Кенгаши ва Бошқаруви қарорларининг бажарилишини;

Банқда аффилланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлигини, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва банк ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилинишини;

Тафтиш комиссияси томонидан илгари аниқланган камчиликларни бартараф қилиш юзасидан берган кўрсатмаларининг бажарилишини;

Банк мол-мулкни инвентаризация қилиш билан боғлиқ бўлган ҳужжатларни ва мазкур ҳужжатларнинг бухгалтерия ҳисоби дастлабки маълумотларига мувофиқлигини;

Банк томонидан солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни, дивидендларни тўлашнинг ўз вақтида ва тўғри амалга оширилиши, Банкнинг бошқа мажбуриятларининг бажарилишини.

5.9 Банкнинг молия хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш натижалари бўйича Тафтиш комиссияси томонидан 3 (уч) нусхада хулоса тузилади. Мазкур хулосада қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

текшириш тури (режали ва режадан ташқари текшириш);

режадан ташқари текшириш ўтказилганда – уни ўтказиш ҳақидаги қарор (талабнома) бўйича маълумотлар, режадан ташқари текшириш қамраб оладиган давр, фаолият йўналиши ва масалалар;

Банк акциядорларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари амалга оширилишини таъминлашга йўналтирилган чора-тадбирлари ижроси;

Банкнинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигига доир баҳо;

бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек молия-хўжалик фаолияти амалга оширилаётганда қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги ахборот.

Тафтиш комиссиясининг хулосаси комиссия раиси ва барча аъзолари томонидан имзоланади. Тафтиш комиссиясининг хулосаси бўйича алоҳида фикр билдирилиши ва у хулосага илова қилиниши мумкин. Тафтиш комиссиясининг хулосасида Банкнинг бошқарув органларига Банкнинг молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ тегишли тавсиялар берилиши мумкин.

5.10 Тафтиш комиссиясининг хулосаси бир нусхадан Банк Кенгаши ва Бошқарувига топширилади. Банкнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари ва Тафтиш комиссияси хулосаси дастлаб Банк Бошқаруви ва Кенгашида кўриб чиқилади.

Тафтиш комиссияси хулосаси Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга тақдим этилади. Акциядорлар умумий йиғилишида Тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар, шу жумладан, Банкни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан ва ўтказилган текшириш натижалари бўйича Тафтиш комиссиясининг хулосалари эшитилади. Акциядорлар умумий йиғилишида Тафтиш комиссияси Раиси ёки унинг аъзоларидан бири комиссия хулосасини ўқиб эшиттиради.

Режадан ташқари ўтказилган текшириш яқунлангандан ва унинг натижалари бўйича Тафтиш комиссиянинг хулосаси имзолангандан сўнг, ушбу хулоса 10 (ўн) иш куни ичида Банк Кенгаши ва Бошқарувига ҳамда текшириш ўтказиш талабини қўйган акциядор (акциядорлар)га тақдим этилади.

5.11 Тафтиш комиссияси Банкда аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва Банк ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулосани ҳар чорақда Банк Кенгаши муҳокамасига киритиб боради.

6. ТАФТИШ КОМИССИЯСИ ТОМОНИДАН АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШНИ ВА БАНК КЕНГАШИ МАЖЛИСЛАРИНИ ЧАҚИРИШ БЎЙИЧА ТАЛАБ КИРИТИШ ТАРТИБИ

6.1 Банкнинг иқтисодий манфаатларига жиддий таҳдид солувчи қоидабузарликлар аниқланганда, шунингдек Банкнинг иқтисодий ночорлиги (банкротлиги) белгилари мавжудлиги ёки уларнинг пайдо бўлиш хавфи вужудга келганда Тафтиш комиссияси Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ва/ёки Банк Кенгаши мажлиси чақиришни талаб қилиши мумкин.

6.2 Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ва/ёки Банк Кенгаши мажлисини чақириш бўйича талаб киритиш тўғрисидаги қарор Тафтиш комиссияси аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ва/ёки Банк Кенгаши мажлиси чақириш тўғрисидаги Тафтиш комиссиясининг мажлис баённомасида қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

қайси текшириш натижасига кўра Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ва/ёки Банк Кенгаши мажлиси ўтказиш масаласи кўрилаётганлиги;

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ва/ёки Банк Кенгаши мажлиси чақиришга сабаб бўлган ҳолатлар;

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ва/ёки Банк Кенгаши мажлиси кун тартибига киритиладиган масалалар.

6.3 Тафтиш комиссиясининг қарори асосида Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши (Банк Кенгаши мажлиси)ни ўтказиш тўғрисида ёзма талабнома расмийлаштирилади ва у комиссия раиси томонидан имзоланади. Ёзма талабнома Банк манзилига Банк Кенгаши номига юборилади.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши (Банк Кенгаши мажлиси)ни ўтказиш тўғрисидаги талабномада йиғилиш кун тартибига киритиладиган масалалар, уларни киритиш сабаблари кўрсатилган бўлиши керак.

7. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

7.1 Мазкур Низом Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқлангандан сўнг кучга киради ва шу муносабат билан Акциядорлар умумий йиғилишининг 2014 йил 21 августдаги баённома-қарори билан тасдиқланган “Ориент Финанс” Хусусий акциядорлик тижорат банкининг Тафтиш комиссияси тўғрисида”ги Низом ва унга киритилган барча ўзгартиришлар ўз кучини йўқотади.

7.2. Ушбу Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши Акциядорлар умумий йиғилиши қарорига асосан амалга оширилади. Мазкур Низом қоидалари уларнинг амалдаги қонунчилик ҳужжатлари, Банк Устави талабларига ва корпоратив бошқарувнинг илғор амалиётига мувофиқлигини таъминлаш мақсадида мунтазам равишда қайта кўриб борилади.

7.3. Агар мазкур Низомнинг айрим қоидалари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва/ёки Банк Уставига зид келиб қолса, бундай қоидалар ўз кучини йўқотади, мазкур Низомга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилгунга қадар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва/ёки Банк Уставига риоя қилинади.

7.4. Ушбу Низомнинг асл нусхаси Банкнинг Юридик хизмат департаменти Методология бўлимида сақланади.